



## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛЬ ЭТИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

PhD, доц. **Жамолов Жўрабек**

Фан ва технологиялар университети

ORCID: 0009-0005-0122-318X

[jjamolov@usat.uz](mailto:jjamolov@usat.uz)

**Файзиев Шавкат**

Фан ва технологиялар университети

ORCID: 0009-0005-9451-5359

[sh.fayziyev@usat.uz](mailto:sh.fayziyev@usat.uz)

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон республикаси ҳудудидаги эркин иқтисодий зоналарга (ЭИЗ) сармоя киритиш истиқболлари кўриб чиқилади. Эркин иқтисодий зоналар муҳандислик коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чоратадбирларига ажратилиши белгиланган маблағлар кўрсатилган. Бугунги кунда мамлакатимиздан фаолият олиб бораётган эркин иқтисодий зоналар сони, уларда амалган оширилаётган лойиҳалар ва яратилган янги иш ўринлари ҳақида маълумотлар берилган. Асосий капиталга инвестициялар прогнози ва кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили келтирилган.

**Калит сўзлар:** эркин иқтисодий зона, инвестиция истиқболлари, эркин иқтисодий зоналар турлари.

## ВОЗМОЖНОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ТЕРРИТОРИЙ В ПРИВЛЕЧЕНИИ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКУ УЗБЕКИСТАНА

PhD, доц. **Жамолов Жўрабек**

Университет науки и технологий

**Файзиев Шавкат**

Университет науки и технологий

**Аннотация.** В статье рассматриваются перспективы инвестирования в свободные экономические зоны (СЭЗ) на территории Республики Узбекистан. Показаны средства, выделяемые на дальнейшее развитие инженерно-коммуникационной инфраструктуры свободных экономических зон. Представлена информация о количестве действующих на сегодняшний день в нашей стране свободных экономических зон, реализованных в них проектах и созданных новых рабочих местах. Представлены прогнозы и показатели инвестиций в основной капитал, а также их анализ.

**Ключевые слова:** свободная экономическая зона, инвестиционные перспективы, типы свободных экономических зон.

## THE POSSIBILITIES OF ORGANIZING FREE ECONOMIC TERRITORIES IN ATTRACTING FOREIGN INVESTMENT INTO THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

*PhD, assoc. prof. Jamolov Jurabek*  
*University of Science and Technologies*  
**Fayziev Shavkat**  
*University of Science and Technologies*

**Abstract.** *The article considers the prospects of investing in free economic zones (FEZ) in the territory of the Republic of Uzbekistan. The funds allocated for further development of engineering and communication infrastructure of free economic zones are shown. Information about the number of free economic zones operating in our country today, the projects implemented in them and the new jobs created. Fixed capital investment forecasts and indicators and their analysis are presented.*

**Keywords:** *free economic zone, investment prospects, types of free economic zones.*

### **Кириш.**

Жаҳон иқтисодиёти ривожланган сари давлатлараро капитал ҳаракати глобаллашиб бормоқда. Халқаро капитал оқими ҳар қандай ўзгаришларга сезгир бўлиб, қайси давлатда қулай инвестиция муҳити яратилган бўлса, шу давлатга инвестициялар оқими кучайиб бормоқда. алқаро амалиётда ЭИХлар ички ва ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиётнинг алоҳида танлаб олинган ҳудудларига фаол жалб қилишнинг замонавий усулларида бири ҳисобланмоқда. Иқтисодий адабиётда ЭИХларга турлича таъриф берилмоқда. Бир гуруҳ олимлар «ЭИХдаги хорижий товарлар ҳеч қандай божхона тўловларисиз сақланиши, сотилиши ёки харид қилиниши мумкин бўлган ҳудуд» (Кузнецов, 2006). деб эътироф этишган бўлса, яна бир гуруҳи «ЭИХ - бу маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорлар фаолият юритиши учун махсус имтиёзли иқтисодиёт амал қиладиган чегараланган ҳудуд» деб таъриф беришган (Вахабов ва бошқ., 2010). Фикримизча, биринчи ёндашув турли хилдаги ЭИХларнинг асосий хусусиятларини етарлича ёритиб бера олмайди, чунки ушбу изоҳлар фақат товарларни ҳудудга олиб кириш ва олиб чиқиб кетишга тааллуқлидир. Ушбу таърифни айнан эркин савдо ҳудудларига берилган таъриф, деб ҳисобласа бўлади. Иккинчи ёндашувдаги таърифни эса, ЭИХнинг барча турларига нисбатан ишлатиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонунига кўра: «Эркин иқтисодий зона – минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир». Фикримизча, мамлакат ҳудудида махсус иқтисодий режим ва маъмурий бошқарувга эга бўлган, давлат аралашуви камайтирилган ва айни вақтда унинг назоратидан буткул озод этилмаган, балки хўжалик юритувчи субъектлар фаолият юритиши учун мамлакатнинг бошқа ҳудудларида амал қилмайдиган имтиёз ва рағбатлантиришлар бериладиган ҳудуд – ЭИХ, деб тушунилади. Иқтисодий адабиётда турли хилдаги ҳудудларнинг моҳиятини ёритишда «эркин иқтисодий ҳудуд» терминидан фойдаланилади. Бироқ, бу термин унинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Бунда қўлланиладиган иқтисодий қоидалар, махсус маъмурий тартиб, шу ҳудудда фаолият юритадиган тадбиркорларни аниқ белгиланган ҳуқуқий ва хўжалик режимларидан бутунлай озод қилмайди, балки уларни енгиллаштиради, маълум имтиёзлар беради. Кўриниб турибдики, ЭИХ том маънода эркин эмас, балки нисбатан эркин ҳудуддир. Бу ҳудудга олиб кирилган товарлар божхона тўловлари, импорт назоратларидан озод этилгани учун ҳам бундай ҳудуд - эркин иқтисодий ҳудуд, деб аталади. Шу билан бирга, қонунлар товар эгалари ва

инвесторларни мавжуд иқтисодий-ҳуқуқий тартибодан озод қилмайди, балки уни енгиллаштиради.

Шунинг учун, фикримизча, бундай ҳудудни «эркин» эмас, балки «махсус» иқтисодий ҳудуд, деб аташ ўринлидир. ЭИХни ташкил қилишдан мақсад ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги макроиқтисодий масалалар ечимига қаратилган бўлади: мамлакат иқтисодий ўсиш даражасини жадаллаштириш; sanoat тармоқларини модернизациялаш; миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш; тайёр маҳсулотлар экспортини кўпайтириш; янги иш ўринлари яратиш; муайян ҳудуд аҳолисининг турмуш даражасини ошириш; ҳудудни хўжалик юритишнинг замонавий усулларини қўллаш полигонига айлантириш; ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш иборатдир

### Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистон иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш имкониятларини ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар қаторида хориж олимлари билан бир қаторда Ғарб олимларидан. Рус олими Фоминский раҳбарлиги остида чиққан ўқув қўлланмада, эркин иқтисодий зоналарга ушбу мамлакатда қабул қилинган умумий хўжалик фаолияти тартибига нисбатан имтиёзлар берувчи маълум бир территория деб таърифланади. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг луғат маълумотномасида, “Эркин иқтисодий зона - хорижий капитал билан фаолият олиб бориш рағбатлантирилувчи имтиёзли валюта - молия ва солиқ тартибларига эга бўлган махсус майдон” деб қаралади. Замонавий иқтисодий адабиётларида эркин иқтисодий зоналар категориясини аниқлашда турли хил ёндашувлар мавжуд. Бу мунозара асосан икки муаммони таҳлил қилишга бориб тақалади: - умумлаштирувчи тушунча сифатида термин танлаш; - ходисани кенгроқ, тўлароқ очиб бериш мақсадида унинг аниқ изоҳини топиш.

Эркин иқтисодий зонанинг энг муҳим белгиси ҳақида ҳам турли хил фикрлар бор: Масалан: Овчинник эркин тадбиркорлик ҳудуди терминини маъқул кўради, Леусский кабилар “Ўзига хос божхона тартиби” деб ҳисоблашса, Смородинская, Бабинсев ва Валлиулин кабилар учун энг муҳими имтиёзлардир деб ҳисоблашади.

Авдокушен ва Сиполаков кабилар энг муҳими сифатида имтиёзли инвестиция муҳитини ажратиб кўрсатадилар.

Комлев эркин иқтисодий зоналарни муҳим хусусиятидан аввало маъмурий тўсиқларни минимумга келтирилган эканлигини таъкидлайди. Аммо буни фақат экспорт фаолияти билан боғлайди. Республикамиздаги эркин иқтисодий зоналарга бериладиган солиқ имтиёзларида бир нечта номувофиқликлар мавжуд. Жумладан, географик жойлашувнинг қулайлик ва ноқулайликларидан келиб чиқиб солиқ имтиёзларни белгилаш, муддатларини қонунчилик билан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ бўларди. Сабаби, Қорақалпоғистон республикаси учун ҳам, нисбатан ривожланган Самарқанд вилояти, Навоий вилояти, Тошкент вилояти ёки Тошкент шаҳри учун ҳам бир хил имтиёз берилган. Бу ҳудудларнинг ривожланиш даражаси, улардаги шароит ҳар хил эканлигидан келиб инвестициялар оқимини фақат ривожланган ҳудудларга боради (Кузнецов, 2006).

Инвестицион жозибадорликда қўлланиладиган омиллар эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишни талаб этади. Ҳамроев (2008) бу бўйича қуйидаги фикрни билдириб ўтади: “Ҳудудий сиёсат - бу мамлакатда эркин иқтисодий ҳудуд (ЭИХ)ларни яратиш бўйича ҳамда тармоқ, соҳа ва алоҳида корхоналарнинг потенциалини чуқур ўрганиб, реализация қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича давлатнинг олиб борадиган чора-тадбирлар мажмуаси, мамлакатда шаклланган меҳнат тақсимотини самарали ривожланишини режалаштиришнинг бир қуроли” деб таъкидлаган.

Эркин иқтисодий зоналарнинг мақсади - иқтисодий жихатдан ривожланмаган ҳудудларни инвестициялар ёрдамида ривожлантириш ҳисобланади. Бу борада профессор Ж.Каримкулов ўзларининг илмий тадқиқотлари Ҳиндистон тажрибасидан фойдаланишни таъкидлаганлар, жумладан, “Вақт омили эмас, ҳудуд омили”, яъни, ҳар битта мамлакатнинг ҳудудий бирликларидан келиб чиққан ҳолатда солиқ имтиёзларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

### Тадқиқот методологияси.

Ўзбекистон иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш имкониятлари фаолияти бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, статистик маълумотларни ва иқтисодий жихатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Жаҳон амалиётида ЭИХларни ташкил қилиш мақсадлари турлича бўлишига қарамай, улар баъзи бир умумийликларга эга. Уларни иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник мақсадларга ажратиш мумкин. Иқтисодий адабиётда ЭИХларнинг қатор турлари келтирилган. Амалга оширилган изланишлар натижасида ЭИХларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди, тавсифланди ва таснифланди. ЭИХлар тўрт мезон асосида таснифланди. (1-расм).

ЭИХлар фаолияти ихтисослашувига кўра қуйидагича таснифланди: эркин савдо ҳудудларига – эркин божхона, эркин портлар ва божсиз савдо дўконлари; саноат ишлаб чиқариш ҳудудларига – импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳудудлар, экспорт-импорт ҳудудлари; техник татбиқ этиш ҳудудларига – технопарк ва технополислар; хизмат кўрсатувчи ҳудудларга – туризм ва оффшор ҳудудлар; комплекс ҳудудлар таркибига – эркин тадбиркорлик ва махсус иқтисодий ҳудудларни киритиш мумкин.



1-расм. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг таснифланиши

Манба: муаллиф томонидан тузилди.

ЭИХларга инвестициялар жалб этишнинг хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг ҳар бир тури учун ўзига мос келувчи имтиёзлар ва рағбатлар тизими татбиқ қилинган. ЭИХларда қўлланиладиган имтиёзларни божхона (ташқи савдо), солиқ, молиявий ва маъмурийга бўлиш мумкин. ЭИХларнинг турларига ушбу имтиёзларни бир хилда қўллаш кутилган самарани бермайди. Фикримизча, ЭИХларни ташкил этиш ва уларга инвестициялар жалб этишни фаоллаштиришда, уларнинг тури ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, табақалаштирилган тарзда имтиёзлар берилиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, эркин савдо ҳудудларида энг асосий имтиёз бўлиб, божхона божларига тегишли имтиёзлар, қўшимча имтиёзлар сифатида эса, солиқ ва маъмурий имтиёзлар қўлланилиши мумкин. Саноат ишлаб чиқариш ҳудудларида солиқ имтиёзлари билан биргаликда божхона, молиявий, маъмурий имтиёзлар қўлланилади. Эркин тадбиркорлик ҳудудларида божхона имтиёзлари иккинчи даражали ҳисобланади. Асосий ўринни эса, турли солиқ, молиявий ва маъмурий рағбатлантиришлар эгаллайди. Комплекс ЭИХларда божхона, солиқ, молиявий ва маъмурий имтиёзларнинг стандарт тизими қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

## 1-жадвал

## Ўзбекистондаги ЭИХларда амал қиладиган имтиёзлар (Қонун, 2020)

Имтиёзлар	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4059-сонли «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги фармони (2.12.2008)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4436-сонли «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги фармони (13.04.2012)
Солиқ ва мажбурий тўлов имтиёзлари	«Навоий» ЭИИЗда рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар ягона солиқ тўлови, фойда, ер, мол-мулк ҳамда ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқлари ва мажбурий тўловлардан (Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмадан ташқари) озод этилади	«Ангрен» МИЗ қатнашчилари фойда, мол-мулк, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқлари, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ва Республика йўл жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этилади
Инвестиция миқдорига қараб имтиёзларни амал қилиш муддати	3 млн. дан 10 млн. евро гача – 7 йил; 10 млн. дан 30 млн. евро гача – 10 йил, кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади; 30 млн. евро дан ортиқ бўлганда – 15 йил, кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади	- 300 минг дан 3 млн. АҚШ долларигача – 3 йил; - 3 млн. дан 10 млн. АҚШ долларигача – 5 йил; - 10 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил
Божхона имтиёзлари	ЭИИЗда фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида олиб келинаётган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади	«Ангрен» МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар божхона тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинади

Бу имтиёзларнинг барчаси фақат ЭИИЗ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун тааллуқли эканлиги белгилаб қўйилди. ЭИИЗ резидентлари томонидан киритилган тўғридан-тўғри инвестиция миқдорига қараб имтиёз берилди. Навоий вилоятнинг

иқтисодий салоҳияти юқори ҳисобланиб, унинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда 23 та эркин иқтисодий ва 348 та кичик саноат зонаси фаолият юритмоқда. Эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,6 миллиард долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиб, 36 мингга яқин иш ўрни яратилган. Кичик саноат зоналарида эса 5 триллион сўмлик 1 минг 497 та лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланган. Шу билан бирга, бу ҳудудларда ҳали имкониятлар кўп. Шу мақсадда бугун давлатимиз раҳбари “Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди.



2-расм Махсус иқтисодий зоналар инвестицион фаолиятига таъсир этувчи имтиёзлар(www.xs, n.d.)

➤ Ўзбекистон Республикасида ташил этилган Махсус иқтисодий зоналарнинг молиявий имтиёзлар қуйидагилар: - Субсидия ва имтиёзли кредитлар бериш. - Арзон баҳода турли-туман инфратузилмавий хизматлар кўрсатиш. - Ер участкалари ва ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан маҳаллий саноат биноларидан фойдаланганлиги учун арзон ижара ҳақи жорий этилиши;

➤ Солиқ имтиёзлари қуйидагилар:

- 20 йилгача даромад солиғи тўлашдан озод қилиш.
- Қайта инвестицияланувчи фойдага солиқ солмаслик.
- Хорижий ходимларни даромад солиғидан озод қилиш.
- Солиқ татиллари. Жадаллаштирилган амортизация.

➤ Маъмурий имтиёзлар қуйидагилар:

- Инвесторларни замон талабларига жавоб бера оладиган инфратузилма билан тامينлаш.

- Қулай шароитларда асосий капитални ижарага бериш.

- Рўйхатдан ўтказиш ва боғхона ишлари фаолиятини максимал даражада соддалаштириш.

- Хорижий фуқароларни келиб кетиши билан боғлиқ виза тартиб-қоидаларини осонлаштириш.

➤ Ташқи савдо имтиёзлари қуйидагилар:

- Экспорт-импорт божларини камайитириш ёки бекор қилиш.

- Махсус иқтисодий зоналардан товарлар экспортини квоталар ва лицензиялардан озод қилиш.

- Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш тартибини соддалаштириш.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда саноат тармоқлари бўйича 9 та, фармацевтика тармоқларида 7 та, қишлоқ хўжалик тармоқлари бўйича 2 та, туризм, транспорт логистика, спорт инвентарларини ишлаб чиқариш тармоқларида 1 тадан махсус иқтисодий зоналар ташкил этилган. “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Хазорасп” экрин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 46 миллион долларга тенг 62 та лойиҳа амалга оширилган, 4 минг 600 тан ортиқ иш ўринлари

яратилган. ЭИЗ томонидан 2019 йил ноябрь ойи якуни ҳолатига 194 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилган (2-жадвал).

## 2-жадвал


## ЭИЗлардаги инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот (lex.uz, n.d.)

№	Махсус иқтисодий зона номи	сон	қиймати (млн. долл.)	шундан, хорижий инвестиция	иш ўринлари сони
	Ўзбекистон Республикаси бўйича	194	1191,9	389,4	13 363
1	"Нукус-фарм" ЭИЗ	3	16,2	3,9	430
2	"Гиждувон" ЭИЗ	13	44,9	0,0	776
3	Бухоро-агро ЭИЗ	0	0,0	0,0	0
4	"Жиззах" ЭИЗ	16	106,5	55,9	1 614
5	"Навоий" ЭИЗ	32	170,9	50,0	1 269
6	"Наманган" ЭИЗ	0	0,0	0,0	0
7	"Ургут" ЭИЗ	31	102,3	19,6	1 634
8	"Сирдарё" ЭИЗ	21	75,2	26,5	1 332
9	"Сирдарё-фарм" ЭИЗ	3	51,0	0,0	516
10	"Термиз" ЭИЗ	0	0,0	0,0	0
11	"Ангрен" ЭИЗ	50	585,3	221,4	4 409
12	"Чорвок" ЭИЗ	0	0,0	0,0	0
13	"Кўқон" ЭИЗ	19	32,2	10,4	1 216
14	"Хазорасп" ЭИЗ	5	7,1	1,7	157

Лойиҳаларнинг қиймати жами 1191,9 млн.доллар (шундан, 389,4 млн.доллари хорижий инвестиция)ни ташкил этади. Ушбу лойиҳалар орқали 13363 нафар янги иш ўринлари ташкил этилган. Худудий ва минтақавий иқтисодий-ижтимоий ривожланиш нуқтаи назаридан бугунги кунда Фарғона иқтисодий районида кирувчи "Кўқон" махсус иқтисодий зонаси алоҳида аҳамиятга эга. Фарғона вилояти ҳам ўзининг қулай географик жойлашуви ҳамда иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражасига кўра республикада ўзининг муносиб ўрнига эга. Ушбу иқтисодий ҳудуд учун айнан Кўқон шаҳри яқинидаги 709.3 га ер майдонининг танланишига асосий сабаблардан бири, мазкур ҳудуд барча товарларни ташиш учун жуда ҳам қулай логистик майдондир. Мазкур иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги "Ургут", "Гиждувон", "Кўқон" ва "Хазорасп" махсус иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-4931-сонли Фармонга (Қонун, 2020) асосан ташкил этилиб, бугунги кунда "Кўқон" махсус иқтисодий зонаси ҳудудида 86 та лойиҳа доирасида 69 та корхона фаолият юритмоқда. "Кўқон" махсус иқтисодий зонаси иштирокчилари томонидан хориждан олиб келинган товарларга ушбу қарорга асосан жорий йилнинг ўтган даврида жами 137 миллиард сўм божхона тўловларидан имтиёзлар қўлланилган. Мазкур ҳудуд ўз аэропорти ҳамда темир йўл депоси мавжудлиги логистика имкониятига ижобий таъсир кўрсатади. 2020 йил давомида 23 та "Кўқон" махсус иқтисодий зонаси иштирокчиси томонидан 13,1 миллион АҚШ долларига тенг тайёр маҳсулотлар экспорт қилинган. "Кўқон" махсус иқтисодий зонасида фаолият юритаётган корхоналарнинг экспорт импорт операцияларини тезкорлик билан амалга оширилишини таъминлаш мақсадида "Марфилон" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари "Кўқон" махсус иқтисодий зонаси маъмурий биносида доимий фаолият олиб борилиши таъминланмоқда. Бу эса тадбиркорларга ушбу зонадан чиқмаган ҳолда экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш имконини бермоқда. Бугунги кунда "Кўқон" махсус иқтисодий зонасида қиймати 73,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 41 та лойиҳа тўлиқ ишга туширилган бўлиб, 2353 та янги иш ўринлари яратилган. Қиймати 161,57 миллион АҚШ долларига

тенг 45 та лойиҳа бугунги кунда ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу лойиҳалар бўйича 4732 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Шунингдек, 65 миллион АҚШ долларига тенг 5 та истиқболли лойиҳалар ҳам мавжуд бўлиб, унинг натижасида 820 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилмоқда.

Буларнинг барчаси аҳоли фаровонлиги ва юрт равнақи учун хизмат қилади. Ҳозирги кунда “Қўқон” махсус иқтисодий зонасида 96 дан зиёд саноат корхоналари рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 19 таси фаолиятини бошлаган. Шулардан 4 та хорижий инвестиция асосида ташкил қилинган бўлиб, қолганлари маҳаллий инвесторлар томонидан молиялаштирилмоқда. Эътиборли томони, “Қўқон” махсус иқтисодий зонасида жойлашган корхоналарнинг молиявий манбаси таркибида банк кредитлари улуши юқори бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолат ташқи қарздорлик кўпайиши ва банклар фаолияти барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқлигини англатади (www.xs, n.d.).




### 3 - расм. Махсус иқтисодий зоналар турлари

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги расмий бев-сайти (www.mift.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Қарорга мувофиқ, жорий йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари инфратузилмасини яхшилаш учун 1 триллион 600 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланди. Хусусан, 17 та эркин иқтисодий зонада қўшимча электр энергияси, газ, ичимлик суви ва оқова сув тармоқлари ҳамда автомобил йўлларини барпо этиш учун 584 миллиард сўм, 145 та кичик саноат зонаси учун 395 миллиард сўм йўналтирилади. Йирик инвестиция лойиҳаларини инфратузилма билан таъминлаш мақсадида 232 миллиард сўм кўзда тутилган. Ривожланишдан ортда қолган 33 та туманда саноат ва бизнесни жадал ривожлантириш учун 264 миллиард сўм ажратилади. Мутасаддиларга мазкур маблағларни ажратиш ва мақсадли ишлатилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш бўйича кўрсатма берилди. Йиғилишда Президент Мирзиёев эндиги энг муҳим масала эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналаридаги лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш эканини таъкидлади. (Қонун, n.d.) Жорий йилда эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 1,1 миллиард доллар бўлган 332 та лойиҳа, кичик саноат зоналарида умумий қиймати 9,5 триллион сўм бўлган 1 минг 800 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Мутасаддилар мазкур лойиҳалар юзасидан ҳисобот берди. Бу лойиҳалар юртимизда саноатни янада ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлиши қайд этилди. Йиғилишда эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди. 1 2020 йилда “Махсус

иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонун кучга кирган. Унга кўра, махсус иқтисодий зоналар президент қарорига биноан, 30 йил муддатга ташкил этилади. Қонунга асосан, махсус иқтисодий зоналар турлари.

2020-2030 йилларда асосий капиталга инвестициялар ҳажмида марказлаштирилмаган инвестициялар ҳажми 3/4 нисбатни ташкил этган. 2020 – йилда марказлаштирилган инвестициялар 60 056 млрд.сўмни 2030 – йилда эса 153 953 млрд.сўмни ёки 10 йил давомида деярли 2,5 баробарга ошиши прогноз қилинди.



#### 4-расм. 2020 – 2030 йилларда асосий капиталга инвестициялар прогнози ва кўрсаткичлари (млрд сўм)

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги расмий бевсайти ([www.mift.uz](http://www.mift.uz)) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Марказлаштирилмаган инвестициялар ҳажми 2020 йилда 108852 млрд сўм бўлиши назарда тутилган бўлса, 2030 йилда эса 613629 млрд. сўмни ташкил қилиши прогноз қилинган бу эса 10 йил давомида деярли 5,6 баробарга ўсиш дегани. Марказлаштирилган инвестициялар 2,5 баробар бўлса, марказлаштирилмаган инвестициялар 5,6 баробар ўсиши назарда тутилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги мавжуд эркин иқтисодий зоналаримизда асосан 12 та соҳа бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда, жумладан, электроника ва электро техника бўйича 19 та, автомобил ва эҳтиёт қисимлари бўйича 7 та, мотор ва асбоб усқуналар бўйича 4 та, кимё саноати бўйича 12 та, пластик маҳсулотлар бўйича 1 та, металдан тайёрланган маҳсулотлар саноати бўйича 6 та, қурулиш материаллари саноати бўйича 20 та, ойна ва чинни саноати бўйича 4 та, фармацевтика саноати бўйича 7 та, озиковқат саноати бўйича 19 та, чарм поябзал саноати бўйича 4та жами 108 та лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тахлилларга кўра Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жуда фойдалидир. Бу ҳудудлар кўплаб иш ўринлари ташкил қилишди, халқаро товар айирбошлашни жонлантиришди, ташқи савдо натижаларини яхшилади, илмий-ишлаб чиқариш салоҳиятини оширди. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро савдода рўй берган ўзгаришлар таъсири остида, эркин иқтисодий зоналарлар ташкилий-функционал эволюцияси, оддий, асосан товарлар савдоси билан боғлиқлардан бошлаб, мураккабларга томон, оммавий истеъмол молларини ишлаб чиқариш, янги товарларни ишлаб чиқиш, ҳаракати кузатилмоқда. Рақобат курашининг кучайиб бориши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларининг мураккаблашиб бориши билан, моддий ишлаб чиқариш соҳасига капитални янада фаолроқ жалб этиш

мақсадида, эркин иқтисодий зоналарининг божхонахуқуқий мавқеи янги элементлар билан тўлдирилиб борилмоқда. Эркин иқтисодий зоналарининг бундай эволюцияси барча мамлакатлар, шу жумладан, саноати ривожланган мамлакатлар учун ҳам, тавсифий бўлиб, ёшларнинг экспорт-ишлаб чиқариш зоналарига айланишига олиб келади. Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар фаолиятида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши билан товар ишлаб чиқарувчилар ўзларининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини халқаро майдонда сотиш ва ўзлари учун керакли бўлган маҳсулотларни воситачиларсиз сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Тадбиркорлар эса белгиланган солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланиши ва ўтказиладиган ҳисоб-китобларда яъни миллий валюталар бозорининг шаклланиши ва ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Тадқиқот ишида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

1. ЭИХ деганда, мамлакатнинг стратегик мақсадларини амалга оширишда, хўжалик юритувчи субъектлар қонун доирасидаги фаолият билан шуғулланиши ҳамда ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш қулай бўлиши учун, махсус бошқарув тизими (режими) ўрнатилган ҳудуд, яъни унда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида амал қилмайдиган имтиёз ва рағбатлантиришлар тизими амал қилган ҳудуд тушунилади. Яратилган шарт-шароитлар ЭИХга ташқи дунё билан юқори даражада иқтисодий алоқада бўлиш имконини беради, божхона, солиқ ва инвестицион режимлар ички ҳамда ташқи инвестициялар учун қулай ҳисобланади.

2. Дунё миқёсида ЭИХлар сони доимий равишда ортиб бормоқда, уларни ташкил қилишдаги географик чегаралар кенгаймоқда, уларнинг шакли ўзгариб, ташқи савдо ҳудудларидан экспорт-ишлаб чиқариш ва комплекс ҳудудларга айланиб бормоқда. Хўжалик фаолияти моҳияти товар айирбошлашдан товар ишлаб чиқариш томон, хизмат кўрсатишнинг оддий турларидан илмий даражада мураккаб бўлган турларига қараб ўзгариб бормоқда. Уларни ўзида мужассамлаштирувчи ЭИХлар миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги билан интеграциялашувида муҳим омилга айланмоқда.

3. ЭИХ муваффақиятли фаолият юритиши учун қуйидаги шартшароитлар мавжудлиги муҳим жиҳат ҳисобланади, яъни: мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва қулай инвестицион муҳитнинг шаклланганлиги; хорижий ва маҳаллий инвесторларни рағбатлантирадиган ва ҳуқуқларини кафолатлайдиган пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий базанинг мавжудлиги; ишлаб чиқариш ҳамда тижорат инфратузилмасининг ривожланганлиги; табиий географик муҳит; қулай иқтисодий конъюнктура.

4. ЭИХ фаолият кўрсатаётган мамлакатларда экспортнинг ўсиш даражаси бундай ҳудудлари йўқ мамлакатлар экспорт ўсиш даражасидан юқорироқ бўлади. Аксарият ҳолатларда ЭИХнинг умумий экспортдаги улуши жуда баланд бўлиб, 13% дан 82% гача тебранади. Осиё ва Лотин Америкаси давлатларида ЭИХлардан тайёр маҳсулот экспорт қилиш ҳисобига катта миқдорда чет эл валютасида даромад олиш имкони яратилмоқда.

5. Хитойдаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусияти бу ички иқтисодий ислохотларнинг ташқи иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш билан узвий боғланганлиги, ташқи савдо ва инвестицион режимнинг эркинлаштириш жараёни босқичма-босқич амалга оширилганлигида ўз аксини топди.

ЭИЗларнинг аҳамияти ҳозирги пайтда, бутун дунё индустриал иқтисодиётдан инновацион иқтисодиётга қараб бормоқда. Эркин иқтисодий зоналар ХХ асрнинг иккинчи ярим йиллигининг энг кўзга ташланадиган институционал инновациясидир. Унинг аҳамиятини қуйидаги икки рақамнинг ўзи кўрсатади: ХХ аср охирига келиб, жаҳон савдо айланмасининг 30% ЭИЗ орқали ўтган ва жаҳон капитал айланмасининг қарийиб ярми ЭИЗлар орқали амалга оширилган. Олиб борилган тадбиркорлар шуни

кўрсатмоқдаки, ЭИЗларнинг қирққа яқин тури бўлиб, дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакатида барпо этилган. XX асрнинг 70-йилларида жаҳонда 700, ЭИЗ бор эди. Асрнинг охирига келиб эса жаҳонда 4 мингта ЭИЗ, бор деган маълумотлар бериларди. Бизнинг тадқиқодларимиз шуни кўрсатмоқдаки, планетада уларнинг сони кичик ҳудудларни ҳисобга олганда 7000 дан ошиб кетган. Ҳозирда улар дунё иқтисодиётида салмоқли ўринни эгаллаб бормоқда. Индустриал зоналарнинг ташкил этилиши билан товар ишлаб чиқарувчилар ўзларининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини халқаро майдонда сотиш ва ўзлари учун керакли бўлган маҳсулотларни воситачиларсиз сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Тадбиркорлар эса белгиланган солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланиши ва ўтказиладиган ҳисоб-китобларда яъни миллий валюталар бозорининг шаклланиши ва ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади. Келтирилган хулосалар асосида, иқтисодиётимизни ривожлантиришда инвестициялар родини ошириш борасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди: хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган инвестиция лойиҳаларини зарур ташқи муҳандислик – коммуникация тармоқлари билан таъминлашни молиялаштириш механизмини йўлга қўйиш лозим; эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ)нинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида ЭИЗ Дирекцияларини акциядорлик жамиятлари ёки масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди; махсус иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларининг бизнесрежалари ёки техник-иқтисодий асосларига “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг хулосасини олиш талабини бекор қилиш катта аҳамиятга эга; эркин иқтисодий зона сифатида Навоий вилоятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари таклиф этилса инвестицион тенденциялар сизиларди даражада юқори бўлар эди.

#### **Адабиётлар /Литература/References:**

*Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. Available at: <https://lex.uz/docs/3096605>*

*President.uz Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. Available at: <https://president.uz/uz/lists/view/5810>*

*UNCTAD (n.d.) Available at: <https://unctad.org/fdistatistics>*

*World Bank Group (n.d.) Available at: [worldbankgroup.org](http://worldbankgroup.org)*

*XS.uz Расмий ахборот портали. Available at: <http://www.xs/index.php/homepage/itisodijot/item/11367-erkin-tisodij-zonalar-va-kichik-sanoat-zonalarini-rivozhlantirish-masalalari-mu-okama-ilindi>*

*Вахабов, А.В., Хажибакиев, Ш.Х. ва Муминов, Н.Г. (2010) Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Тошкент: Молия.*

*Кузнецов, А. (1990) Свободные зоны и национальная экономика. Мировая экономика и международные отношения, № 12, с. 24.*

*Райимжанова, М.А. (2013) Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш: назарий асослари, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. Тошкент: Extremum-press.*

*Рыбаков, С.А. ва Орлова, Н.А. (2006) Особые экономические зоны в России. Москва: Вершина, с. 12.*

*Ўзбекистон Республикаси (2020) “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонун, ЎРҚ-604-сон, 17 февраль.*

*Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (n.d.) Расмий веб-сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. Available at: [www.mift.uz](http://www.mift.uz)*

*Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси (n.d.) Available at: <https://stat.uz/uz/>*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти (2008) ПФ-4059 ва ПФ-4436-сонли фармонлари асосида муаллиф томонидан тузилди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти (2018) Олий Мажлисга Мурожаатнома, 28 декабрь.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти (2022a) “Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон, ПФ-153-сон, 13 июнь.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти (2022b) “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармон, ПФ-60-сон, 28 январь.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти (2023) Саноатни ривожлантириш ҳамда қўшимча захираларни аниқлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги маъруза, 10 январь.*